



**ЖАВОБСИЗ  
ТАҚДИМНОМАЛАР**  
УЛАР МУТАСАДДИЛАРНИНГ  
ИШГА БЎЛГАН МУНОСАБАТINI  
БЕЛГИЛАЙДИ

**“БИЗГА  
ТЕКШИРУВЧИ  
КЕЛДИ!”** деган хабарни  
айтишга баъзан  
андиша ва ҳадик  
изн бермайди

**ЖОРЖ БЕРКЛИ:  
ҲАЙРАТЛАНИШ  
ИҚТИДОРИ**

**MEZON**  
Фуқароларнинг муурожаатлари ари-  
за, таклиф ёки шикоят кўринишида  
бўлиши мумкин.  
Ариза фуқароларнинг ўз ҳуқуқла-  
ри, эркинликлари ва қонуний манфа-  
атларини рўёбга чиқаришда ёрдам  
кўраётган тўғрисидаги илтимоси баён  
этилган муурожаатидир.  
Таклиф фуқароларнинг давлат ва  
жамият фаолиятини такомиллашти-  
ришга доир тавсияларини ўз ичига ол-  
ган муурожаатидир.  
Шикоят фуқароларнинг бузилган  
ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний  
манфаатларини тиклаш тўғрисидаги  
талаби баён этилган муурожаатидир.  
“ФУҚАРОЛАРНИНГ МУУРОЖААТЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 5-МОДДА

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 17  
(324)  
2003 йил  
29 АПРЕЛ  
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ СОБИТ ҚАДАМ

Куни кеча ўз ишини якунлаган Олий Мажлиснинг 11-сессияда ҳам Ўзбекистон ислохотларининг босқичма-босқич тамойилдан чекинмаган ҳолда ўз мақсади — озода ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт куриши сари илдам одимлаётгани яна бир қарра яққол намоён бўлди.  
Ўзбекистон кучли давлатдан кучли жамият сари одимлаётган давлат. Миллий истиқлол узоқ ўтмишга эга давлатчилигимиз тарихида янги даврни бошлаб берди. Мамлакатимизда давлат ва жамият курилишини демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёни изчил давом этаётганини қайд этган ҳолда шуни эътироф этиш зарурки, бу қўлғу ишларнинг барчаси замирида Бош Қомусимиз турибди. Ўзбекистон Конституцияси босиб ўтган ўн йил мобайнида Асосий Қонунимизга деярли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмагани ҳам унинг нечоғли мукаммал эканлигини далиллади. У ҳолда Олий Мажлиснинг 11-сессияда Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга қарор қилинганини қандай изоҳлаш мумкин, деган савол туғилиши табиий. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов бу саволга аниқ ва лўнда тарзда жавоб берди: “Табиийки, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, у доимо ҳаракатда ва ўзгаришда. Шундай экан, юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришни ҳар бир бошқичида янги-янги муаммолар пайдо бўлади ва уларни ҳал этиш бўйича замон бизнинг олдимизга янги-янги вазифаларни қўяди... жамиятни янада эркинлаштириш ва демократлаштириш зарурати тобора аниқроқ намоён бўлмоқда ва бундай ҳолатни сезмасдан бўлмайди”.

11-сессияда Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши ҳокимият бўлиниши тамойилининг ҳаётда тўлиқ аниқ этиши, уларнинг ўзаро мустакил фаолият юргизиши таъминлашга ва ўзаро назорат механизмининг самарали ишлашига хизмат қилади.  
Ҳокимиятнинг шакллантиришнинг самарали механизмининг яратилиши хусусида гап борар экан, бу борада сайловлар муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш лозим. Чунки Конституция ва қонунлар мукаммал бўлиши мумкин. Лекин сайлов тизими халқ хошияга монанд ҳолда, энг муносиб вакиллари сайлаб олишга имкон бермасда, у ҳолда фуқароларда ҳокимиятга нисбатан ишончсизлик туғилиши ва ҳокимият вакилларининг обрўсизлигига олиб келиши мумкинлигини унутмаслик керак. Шу боис Президентимиз Ислам Каримов ўтган сессияда бу жиҳатга эътибор қаратиб, 11-сессияда маъқуланган умумхалқ муҳокамасига киритишга қарор қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини мукамаллаштиришда айна шу жиҳатдан ёндашиш зарурлигини таъкидлади.  
Ўзбекистон ўз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш борисида ўз халқи манфаатлари ва истак-хошиядан келиб чиқиб, сиёсат юритаётган мамлакат. Ҳар қандай давлат халқи оқилолиги ва осмонли мусаффолигига жавобгар экан, бу масъулиятни адо этишда икки йўлдан бориши мумкин. Аввало, ўз имконияти ва салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда миллий армия-

сини изчил ислоҳ қилиб, замонавий техника ва тажрибалар билан бойитиб боради. Иккинчидан, миллий хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарларни бартараф этишга эришиш мумкинлиги аён бўлган бир пайтда бу ҳақиқатни англаб етган тараққийпарвар кучлар билан бир сафда бўлиш ҳам яхши самара беради. Ўзбекистон бир-бирини тўлдирувчи ва тақозо этувчи бу икки йўлни маҳкам тутиб, собитқадамлик билан илгариларимизда.  
Кейинги ўн йил мобайнида юрт тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлиги қаролати хисобланган — Қуроли Кучларимиз модернизация қилинапти, бу борада талай чора-тадбирлар кўрилади. Бу саъй-ҳаракатларнинг бугунги кунда тинч-тотув ҳаёт кечиришимизга хизмат қилаётганини эътироф этган ҳолда ҳақли бир саволга жавоб берайлик: биз халқимиз оқилолигини, осмонимиз мусаффолигини таъминлай оладиган миллий армияга эришдик, деб айта оламизми? 11-сессияда давлатимиз раҳбарининг бу ҳақдаги жавоби шундай бўлди: “Барчага аёнки, ўтган йилдаги армия ислохоти йўлидаги ишлар мустабид тузумдан қолган ва шу тузум мафқурасидан холи бўлмаган қонун-қоидалар, меъёрлар асосида амалга ошди. Шу сабабли ҳам, бу ислохотлар халқимизнинг истак-хошиясини тўла акс эттирди, деб айта оламизми”.



Миллий маданият ва давлатчилиқнинг ўзаро уйғун ҳолда ривожланиб бориши эволюцияси билан бирга, бутун дунёда тан олинган, жаҳон эътироф этадиган, нафақат миллий, балки умуминсоний аҳамиятга эга тарихий экспонат ва ёдгорликларни, цивилизация намуналарини кўрсатиш орқали бизнинг юртимиз ана шундай ноёб бойликлар макони бўлганини яна бир бор исботлаб бериш, бу ҳақиқатни муҳраб қўйиш лозим. Шунда бу музей нафақат бизнинг минтақамизда, балки бутун дунёда тан олинадиган илм-фан ва маданият марказига айланади.

Ислам КАРИМОВ

## “ИНСОН ва ҚОНУН”га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Ички ишлар вазири Т. Давлатовнинг 2003 йил 1 апрел соғатда қўрилган “Қим ҳақу, ким ноҳақ?...” сарлавхали мақола юзасидан Андижон шаҳрида яшовчи Шаробиддинов Анорқоннинг уйда 2000 йил 9 август кунини содир бўлган жиноят ҳолати бўйича қўзғатилган жиноят иши идоравий назорат тартибиде ўрганиб чиқилди. Жиноят иши юзасидан муқаддам бир неча бор хизмат текширувлари ўтказилиб, ички ишлар идораларини айрим ҳодимларига нисбатан интизомий чоралар қўрилган.  
Андижон шаҳар, вилоят прокуратураси, вилоят ИИБ Тергов бошқармаси ва Вазири Тергов бошқармаси томонидан жиноят иши ўрганилиб ва ёзма кўрсатмалар берилган, терговчи томонидан мазкур ёзма кўрсатмалар талаблари тўлиқ бажарилган. Мазкур ҳолат юзасидан, жиноятни содир этган шахслар аниқланганлиги сабабли 2003 йил 20 январ кунини жиноят иши Жиноят Процессуал Кодексининг 364-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан ҳаракатдан тўхтатилган ва ушбу қарор қонуний деб топилиган.  
Жиноят иши Андижон вилоят прокуратураси томонидан Жиноят Процессуал Кодексининг 169-моддаси 1-қисми билан қўзғатилиб, Андижон шаҳар ИИБ

тергов бўлимига берилган қонун бўлимига жиноятни содир этган шахсларни аниқлаш ва жиноятни очиш борисида тегишли тергов ҳаракатлари олиб борилган.  
Жиноят иши юзасидан берилган кўрсатмалар ушбу жиноятни содир қилган шахсларни аниқлаш, жиноятни очишга ҳамда тергов самардорлигини таъминлашга қаратилган тавсиялар бўлиб ҳисобланади. Мақолада кўрсатилганидек, “ўғри ёзишларни гирдобиде йўқ бўлиб кетган” эмас, аксинча, бу тавсиялар жиноятни содир этган шахсларни аниқлаш, далиллар тўплаш борисиде кечиктириб бўлмайдиган дастлабки тергов ҳаракатлари олиб боришга қаратилган тадбирлардир.  
А.Шаробиддинов томонидан ўрганилган гуно қилинаётган С.Эргашев ва З.Аҳмадалиевларнинг дастлабки тергов жараёнида бу гуноларни фош этувчи далиллар бўлмаганлиги ва жиноятга алоқдорлиги ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли жиноят ишини бу қисми ҳаракатдан тугатилган. Ҳозирги кунда ушбу жиноятни очишга қаратилган тегишли тезкор қидирув ишлари олиб борилмоқда.  
А. ШАРОБИДИНОВ,  
Ички ишлар вазири Тергов  
Бош бошқармаси бошлиғи

## Qonun ko'magi

“Кегейлиагроқурилиш” очик турдаги акциядорлик жамияти аъзолари бир ёқадан бош чиқариб, туман марказида 450 кўвучига мўлжалланган касб-хунар коллежи курилишини бошлаб юборишди. Ишни жадал сурьатда амалга ошириш учун қўшимча ишчи кучи ва техника воситалари зарур эди. Шунда акциядорлик жамияти раҳбарияти тумандаги “П.Мурот” фермер хўжалигига юк ташувчи автомашиналар таъминоти масаласида ёрдам беришини сўраб, муурожаат этиди ва ўзаро шартномага асосан, фермер хўжалигининг авторанспорт воситалари касб-хунар коллежи курилишида 909 минг 75 сўмлик юк ташуви хизматини бажарди. Аммо акциядорлик жамияти шув вақтга шартнома мажбуриятларини бажариш хусусида ўйламади. Оқибатда фермер хўжалиги раиси Г.Лахратдинов жавобгар ҳисобидан 909 минг 75 сўм микдоридеги асосий қарз ва шартноманинг 15-бандига кўрсатилганидек, тўловнинг кечиктирилган кунлари учун 455 минг сўм микдоридеги жарима пулларини ундириш ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судига даъво ариза-лади.  
Жавобгар ўз айбига тўла иқдор бўлди. Суд мажлиси “Кегейлиагроқурилиш” очик турдаги акциядорлик жамияти ҳисобидан “П.Мурот” фермер хўжалиғи фойдасига 909 минг 75 сўм ҳажмидаги асосий қарз ва 455 минг сўм ҳажмидаги жарима пулларини ундириш ҳақида қарор қабул қилди. Жавобгар 27 минг 281 сўм микдориде давлат божи ҳам тўлайдиган бўлди.  
Худди шундай ҳолат Хўжайли туманидаги “Тошкент” ширкат хўжалиғида ҳам

рўй берди. Гап шундаки, “Тошкент” ширкат хўжалиғи ва “Қорақалпоқэлектртармоқлари” очик турдаги акциядорлик жамиятининг “Хўжайлиэлектртармоқлари” бўлими ўртасида электр қувватидан фойдаланиш бўйича 6/1-016-сонли шартнома имзоланган эди. “Хўжайлиэлектртармоқлари” бўлими ширкат хўжалиғини зарур электр қуввати билан таъминлаганига қарамай ҳақ тўлаш бобиде ширкат хўжалиғи талмовсираб қолди.  
Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди Фуқаролик кодексининг 468-моддаси ва Хўжалик процессуал кодексининг 135-138-моддалариде қўрсатилганидек, “Тошкент” ширкат хўжалиғи ҳисобидан “Қорақалпоқэлектртармоқлари” Хўжайли туман бўлимининг фойдасига 282 минг 64 сўм микдоридеги асосий қарз ва жарима пулларини ундириб беришни лозим топди.  
Ўзаро келишув шартномалари тузилишидан мақсад ҳар икки томон манфаатлари ва эҳтиёжини қондириш, ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш ва режаларни вақтида удралашдир. Бир қорхона томонидан қўрсатилган ёрдам туфайли муаммолар вақтида ҳал этилдики, демек, энди унинг хизмат ҳақини ҳам вақтида тўлаб қўйиш зарур. Борди-у, томонлардан бири фирморлик йўлини танлаган чоғда ҳам, давлатимиз қонунчилигимиз бундай ноқуш ҳолатга йўл қўймайди.

Тошимурод ЭШМУРОВОВ,  
“Инсон ва қонун” муҳбири

## ИЖРО ВА МУДДАТ

Азалдан сафарга отланганга, борар манзилнингиз ҳақида йўлдаёқ ниҳадир билги олишга интиласиз. Шунданми, Тошкент — Қўйи Чирчиқ автобусида бирга кетаётган беш-олти отахон ва онахонларнинг гурунги беҳиштиёр эътиборимизни тортиди.  
— Яратқон шукри, осмонимиз девабур, юртимиз ошад, — дея гап бошлади қариялардан бири. — Шунинг учун биз қариялар меҳмондорчиликка боришдан эринмайми. Ахир, тўй ҳам тинч элга ярашади-да!  
— Айни уйнаб-қулиб яшайдиган замон келди, — дея гапга аралашди яна бир ота-

хон. — Мана бизнинг туманимизни қўриш, кундан-кунга ободонлашиб, чирой очиб бораёпти. Бундан ўн йил илгари бундай ҳашаматли биноларни тушимизда ҳам кўрмасдик, болам. Бу ҳам ана шу тинчлик-осойишталикнинг шарофати. Шунинг учун тинчликни қадрга етишимиз керак.  
Узини Муборак момо деб таништирган онахон янада самийи галларни айтди:  
— Туманимизга янги раҳбар келганидан бундан яхши томонга талай ўзгаришлар қилинди. Хўжаликка борасизми, бирор идорага кирасизми, юмушнингиз битмай қол-

майди. Туман халқ таълими бўлимида анчадан бери битмаётган ишим ҳам ўнгига босди.  
Самийи, содда одамларни дил сўзларини эшитиб, очиги, кўнгли тоғдай кўтарилади.  
Қуйи Чирчиқ туманига етиб борганимизда ҳокимнинг биринчи ўринбосари Ҳасан Иброҳимовнинг шу кунларда режалаштирилган тадбирлар ҳақида ортиқча дабдабасиз, ишонч билан гапирди.  
Шу вақт қутилмаганда хонанага бир киши осмондан тушгандай кўкқисдан кириб келди-да, хе йўқ, бе йўқ, лўисага ўтди:  
— Мана хужжатлар, яна нима керак? — деди у.  
Мен уни биринчи марта қўриб турганим учун, аввало, ўзини таништиришини сўрадим.  
— Туман ҳокимлигининг ҳуқуқшуноси Ақром Давенов бўламан! — деди у.  
Менинг журналист эканлигим билан, бизро юмшадим.  
— Э, сиз газетаданми? Менга яна теширувчи келди дейишганди. Яқинда келган текширувчилар туманимизда ширкат хўжаликларининг шартномалар бўйича фаолиятини кўрамиз, дейишди. Текширишгач, тақдимнома

## Journalist surishtiruv

киритишбди.  
— Кечирасиз, улар камчиликларни кўрсатишган экан, бунинг нимаси ёмон? Йўл қўйилган қонунбузилишларнинг олдини олгани яхши эмасми?  
— Эътирозим шуки, тақдимномага 15 кунлик муддат белгилашга эътирозим бор.  
Ана сизга қонунни тарғибот этувчи, шу соҳада хўжаликлар манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқшуноснинг жавоби. Мутахассиддан шундай фикр қилсак, бошқалардан нима кутуш мумкин?  
Яна туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳасан Иброҳимовга вазиятни тушунтирдик.  
(Давоми иккинчи бетда)





